

Эронда ўзбек тилини ўргатувчи курслар ташкил этилади



22:40 / 21.10.2021 1145

Хабарингиз бор, бугун ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 32 йил тўлди. Ушбу байрам куни муносабати билан Эрон Ислон Республикасида ҳам она тилимизни ўрганилишини оммалаштириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида элчихонамиз томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, деб хабар бермоқда «Дунё» **ахборот агентлиги**.

Хусусан, Ўзбекистон элчихонаси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Маданият институти, Аллома Таботабой университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети билан ҳамкорликда мазкур санага бағишлаб жорий йил 28 октябрдан Эроннинг ушбу етакчи олий ўқув юртида ўзбек тили курсларини онлайн шаклда йўлга қўймоқда.

Илк мартаба ташкил этилаётган мазкур ўқув курслари ушбу илм масканининг Туркология кафедраси талабалари учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, Эрон жамоатчилигини мазкур хабардан воқиф қилиш мақсадида ИХТ Маданият институти веб-саҳифасида «ИХТ Маданият институти кўмагида ўзбек тилини ўрганамиз» номли мақола чоп этилиб,

унда 28 октябрдан бошлаб Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчилари томонидан Эроннинг Аллома Таботабой университетининг талабалари учун махсус 12 ҳафталик ўзбек тили курслари ташкил этилиши маълум қилинди.

Ушбу ҳодиса давлат тилига берилаётган эътиборнинг яққол мисоли бўла олади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, ўзбек тилининг давлат тили даражасида фойдаланилишини аввало ўз юртимизда таъминлаш ҳам керак.